



Олимп БАҲТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 19 март, жума № 46-47 (1680)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 март куни Оксаройда Европа Иттифоқининг ташқи алоқалар бўйича комиссари Кристофер Паттени қабул қилди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар кенг кўламада ривожланиб бормоқда. 1996 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида мамлакатимиз билан ушбу улкан сиёсий-иқтисодий ташкилот ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзaro ҳамкорлигини хар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мақсадида бир неча қўшма орган - «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» ҳамкорлик кенгаши, ҳамкорлик кўмитаси, Парламентлар ҳамкорлиги бўйича кўмита ҳамда савдо ва сарможа, юстиция, ички ишлар, божхона соҳасида ҳамкорлик бўйича ички кўмиталар ташкил этилган. Улар мунтазам йиғилишлар ўтказиб турибди. Хусусан, жорий йилнинг январида Брюсселда «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» ҳамкорлик кенгашининг бешинчи, ўтган йили Тошкентда ҳамкорлик

кўмитасининг ва Самарқандда Парламентлар ҳамкорлиги бўйича кўмитанинг тўртинчи мажлиси бўлди. Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан унинг ТАСИС дастури доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, энергетика, таълим, қурилиш, инфратузилмани ривожлантириш, экология каби соҳаларда Европа Иттифоқининг техникавий ёрдами салмоқли бўлмоқда.

Ўзaro муносабатларда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан муҳим ўрин тутувчи транспорт коммуницияларига алоҳида эътибор берилмоқда. Буюк Ипак

йўлини тиклашга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг майида Европа Иттифоқи таркибига яна ўн мамлакат қўшилиди. Бу Ўзбекистоннинг Шериклик ва ҳамкорлик битими доирасидаги ҳамкорлари сафини ҳам кенгайтиради. Оксаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон-Европа Иттифоқи муносабатлари, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(УЗА)

Тадбиркорлик - давр талаби

СОФ ФОЙДАНИНГ 60 ФОИЗИ ИНФРАТУЗИЛМАГА

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда ўзига хос тажриба мактаби яратган Касби туманида инсон омилга алоҳида эътибор берилаяпти. Иқтисодий йил сайин тараккий эътибор, ишлаб чиқаришда фан ютуқлари ва илгор тажрибалар дадил қўлланилаётган Алишер Навоий номи ширкат хўжалигида қўлга киритилаётган ютуқлар, айниқса, салмоқли.

Моддий бойликларнинг яратувчиси инсонга наф келтириш ўзимиз учун асосий вазифа деб ҳисоблаймиз, - дейди хўжалик раҳбари Зикриё ака Асроров. - Бозор иқтисодиёти жараёнида ҳар бир оиланинг яшаш шароитларини ўрганиш, қўллаб-қувватлаш муқаддас бурчимиздир. Раҳбарликда қатта тажриба орттирган, эл эъзозини қозongan Зикриё Асроровни Қашқадарёда кўпчилик яхши танийди ва ҳурмат қилади. Хўжалиқда мутахассис кадрлар жой-жойига қўйилганлиги, моддий базаси мустаҳкамланганлиги, бошқарувда замонавий услублар жорий этилганлиги ўзининг пировард натижасини бераёпти.

Ўтган хўжалик йили 2 миллиард 550 миллион сўм даромад билан якунланди. Ҳамма тармоқлардан 1 миллиард сўм соф фойда олинди. Жамoa аъзолари 52 миллион сўм дивидендлар ҳисобланди. Олинган соф фойданинг 60 фоизидан кўпроги қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланаёпти. Лойиҳа қуввати 644 миллион сўмлик замонавий ёшлар спорт мажмуи барпо этилаяпти. Бу ерда футбол, волейбол, енгил атлетика, кураш, теннис каби спортнинг 20 дан ортиқ тури билан шуғулланиш учун шароит яратилади.

Хўжаликнинг 1 миллиард 800 миллион сўм маблағи ҳисобидан Қоратёпа қишлоғида 624 ўринли умумтаълим мактаби қурилаяпти. Ҳар қайсиси 32 миллион сўмлик 24 та уй-жой биноси бунёд этилмоқда. Ёшлар учун Мусин номидаги оромгоҳ ишлаб турибди. Ҳар битта қишлоқда тиббиёт маскани аҳоли хизматида. Хонадонлар тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланган.

Дала меҳнатчилари ва механизаторларининг иш шароитини яхшилаш доимий эътиборда. Машина-трактор паркида ишлаётган механизатор-тоқар, электр пайвандчи, соловчи ва бошқа муҳандис-техник ходимлар учун текин тушлук, сўт маҳсулотлари берилди. Далаларда баҳорги юмушлар қизғин тус олган. 1100 гектар майдонда галла майсалари баравж ўсмоқда. 7 минг тонна пахта етиштиришга аҳд қилган деҳқонлар яхши ният билан ерга уруғ қадамоқдалар.

Яқинда қишлоқ марказидаги уйингоҳ одамлар билан лиқ тўлди. Юқори натижаларга эришган илгорларга қимматбах мукофотлар тақдим этилди. Хўжаликнинг 6 та илгор пудратчиси «Матиз» русумли енгил автомобил билан мукофотланди. Пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 47 центнердан оширган Зулайхо Қайумова, Тўрақул Хўжамбердиев, Холиқ Ҳайитов, Абруй Уринов ва Эркин Чориевлар фидойий меҳнатлари эвазига енгил автомобилли бўлдилар. 7 та пудратчи рангли, ўнлаб илгорлар оқ-қора телевизор, қимматбах гиламлар билан тақдирландилар. Умуман, хўжалик бўйича 300 нафардан ортиқ ишчига соғвалар топширилди.

Халқимиз ўзининг баргиреклиги, одамийлиги, бир-бирини қўллаб-қувватлаш фазилатлари билан ажралиб туради, - дейди хўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси Абдиқодир Мақсодов. - Кам таъминланган оила ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга 1 миллион сўмлик озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Фахрийлар доимо эъзозда. Хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга меҳнати сингган 20 нафар кишининг ҳар бирига 25 минг сўмликдан соғвалар улашди. Худуддаги 7 та мактабнинг 1 нафардан ўқувчисига стипендия таъсис этилган. Ойбек номли ўрта мактабга компьютер совға қилинди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 30 нафарига суннат тўйи ўтказилди. Ҳар бирига банкда омонат дафтарчаси очилиб, пул қўйилди.


ЎЛКИН



«Наманганқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 50 та қурилиш-монтаж ташкилоти вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозирда мазкур жамиятнинг 350 нафар ишчиси республика Ақшурлик ва гинекология илмий-тегириш институти Наманган филиали биносида қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқда. Шу пайтгача бу ерда 1 миллиард 100 миллион сўмлик иш бажарилди.

Қурувчиларнинг меҳнатга яраша ҳақ олишадиганлиги иш унумдорлигини оширмоқда. **Суратларда: жамият раисининг биринчи ўринбосари Адхамжон Мамажонов, муҳандис Баҳодир Алиев ва қурилиш штаби вакили Хайрулла Ортиқов; қурувчи Комил Қосимов; кафел терувчи Фарход Хитов.**

Икром ХАСАНОВ олган суратлар



«Ўзметасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси тизимида айни пайтда 27 та фирма, 22 та консерва ва мевасабзавот қурилиш заводлари, 55 та виночилик қорхоналари, 84 та шароб савдо ҳамда 86 та ширкат хўжалиқлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 70 мингдан зиёд касаба уюшма аъзоси меҳнат қилишаяпти. Ўзбекистон Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси ҳамда мазкур компания ўртасида тузилган қўлинув тармок меҳнаткашларининг ижтимоий ҳимоясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу бонсдан ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги йил сайин ортмоқда.

Ўтган йили 58,6 миллиард сўмлик саноат ва 153 миллиард сўмлик халқ истеъмолий маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Четга маҳсулот сотиш бўйича ҳам белгиланган режалар ошириб бажарилимоқда. Шуниси қувонарлики, мазкур тармоқда иш ҳақидан қарадорлик бартавраф этилган. Шунингдек, мукофот, тоvon тўловлари ўз вақтида берилмоқда. Хотин-қизлар байрами арафасида ишчиларга 25 минг сўмдан, нафақадagi аёлларга эса 10 минг сўмдан мукофот пули берилди. Кўп йил тармоқда ишлаб, айни пайтда қариллик гаштини суратган фахрийларга ҳам йил давомида ёрдам пули тарқатилди. - Албатта, моддий ҳамда маънавий рағбат ишимиздаги муваффақиятни белгилайди, - дейди тармок касаба уюшмалари Марказий кўмитасининг бўлим мудири Турсунбой Нисёзов. - Бу ишда компания ҳамда тармок касаба уюшмалари Марказий кўмитаси ўртасида тузилган келишув дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки, ушбу ҳужжатда меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга турли имтиёзлар берилиши кўзда тутилган. Бошлангич ташкилотлар эса айнан шу келишувда назарда тутилган имтиёзларни жамoa шартномаларига киритмоқдалар. Тармок меҳнаткашларининг шаҳар транспортдаги юришлари учун ойлик чипталар, тушлик овқат пули учун моддий ёрдам ташкил этиш масаласи ҳам келишувда ўз асосини топган. Компания ходимларининг тўй ва турли маросимларини

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ЯПОНИЯ ТАШКИЛИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

2002 йилда Япония ҳукумати «Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти хижозларини такомиллаштириш» лойиҳаси асосида мазкур институтига беғарас ёрдам сифатида 440 миллион иен (4 миллион АҚШ доллари) миқдордаги грант ажратган эди. Бунинг самараси ўларок, институтида CENTEXUS тўқимачилик маҳсулотларини сертификатлаш ҳамда CAD кийим-кечак ва пойабзал дизайн ва компьютер марказлари фаолият юрита бошлади. Бундан ташқари, қатор кафедралар ва ўқув лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Меҳмонлар институти фаолияти билан танишар экан, бу ердаги мавжуд илмий ва амалий имкониятларни юқори баҳоладди.

1996 йил мамлакатимизда темир йўл транспортини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати ва Япониянинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик жағмараси ўртасида умумий қиймати 6 миллиард 102 миллион иенга тенг кредит битими имзоланган эди. Мазкур лойиҳа асосида Япониянинг «Марубени» корпорацияси ҳамкорлигида Тошкентда замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозланган йўловчи ташуш вагонларини таъмирлаш заводи қурилиб, фойдаланишга топширилган. Япониялик меҳмонлар мазкур завод фаолияти билан ҳам танишди.

Япониялик меҳмонлар мазкур завод фаолияти билан ҳам танишди. **ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМИССАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА** Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Иттифоқининг (ЕИ) ташқи алоқалар бўйича комиссари Кристофер Паттени раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди. Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга оид масалаларини муҳокама қилди. Шунингдек, минтақавий хавфсизлик муаммолари, хусусан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Шу куни меҳмонлар пойтахтдаги Халқаро Бизнес-марказида «Ўзбекистонда ТАСИС дастурининг 12 йиллиги» фотокўргазмасининг очилиш маросимида иштирок этди. (УЗА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Наврўз Шарқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқи учун энг қадимий ва азалий байрамлардан биридир. Баҳор фасли ва табиат уйғоншининг тимсоли, яшариш ва янгилашиш рамзи бўлмиш бу айёмни орзиқиб кутиш, баланд руҳ ва катта хурсандчилик билан нишонлаш эл-юртимиз учун олижаноб аънанага айлиниб қолган.

Маълумки, Наврўз байрами юртимизда март ойининг учинчи ўн кунлиги бошланишига тўғри келади. Ва шунга асосланиб, мамлакатимизда 21 март куни Наврўз байрами, деб эълон қилинган.

Аънанага кўра, Наврўзга бағишлаб пойтахтимиз Тошкентда, вилоятлар, шаҳар ва туман марказларида байрам маросимлари, халқ сайиллари ва томошалар ўтказилади.

Узоқ ва давомли тарихимиздан маълумки, Наврўз бир кун эмас, бир ой мобайнида байрам қилинади ва жойларда одамлар табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, бу айём қувончини кўпчилик билан баҳам кўради.

Халқимизнинг мана шундай байрамларни ҳар қайси вожа ва водийнинг маҳаллий иқлим ва табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда ўтказиши ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга муносибдир.

Республика Гидрометеорология Бош бошқармасининг маълумотларига кўра, кейинги йилларда умуман иқлим ўзгариши муносабати билан айнан шу мавсумда об-ҳавонинг бузилиб, ёғингарчилик кўп бўлиши кузатишмоқда ва жорий йил ҳам бундан истисно эмас.

Бундай вазият оммавий байрам тадбирларини очик майдонларда, истироҳат боғларида халқимизнинг кенг иштирокида ўтказиш учун муайян қўйинчиликлар туздирилмоқда.

Наврўз умумхалқ байрамини миллий қадрият ва урф-одатларимиз руҳида кенг нишонлаш, уни ўтказиш учун кулай шарт-шароит яратиш, одамларнинг кўнглини дам олишини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Пойтахтимиз Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус шаҳрида, вилоятлар, шаҳар ва туман марказларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларни об-ҳаво шароитини ҳисобга олиб, март ойининг охиригача ўтказиш мақсадаги мувофиқ, деб топилсин.
2. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.
- Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитасига байрам муносабати билан марказда ва жойларда белгиланган барча ташкилий-амалий ишларни кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, юксак даражада ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилсин.
3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёевга юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 март

Фазримиз ЧУСОВИТИНАНИНГ НАВБАТДАГИ ГАЛАБАСИ

Касаба уюшмалари спорт мактаби вакиласи Оксана Чусовитина ўзининг улкан ютуқлари билан муҳлис ва мутахассислар назарига тушган. Халқаро спорт гимнастикаси федерацияси яқин орада Оксанининг буюк хизматларини орден билан тақдирлаш ҳақида маълумотлар тарқатган. Чунки 28 ёшда олимпиада йўлнамасини қўлга киритиш ноёб ҳодисадир.

Яқинда Франциянинг Лион шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубогининг иккинчи босқич баҳслари бўлиб ўтди. Мусобақада дунёнинг энг кучли спортчилари сафида ҳамюртимиз Оксана Чусовитина ҳам иштирок этди. Афина олимпиадаси ўйинларига тайёргарлик босқичини ўтайдиган ушбу баҳсларда Оксана барча турлар бўйича голиблик учун кураш олиб борди.

Мутлақ биринчилик баҳсларида у янгича усулни қўллаб, муҳлислар олқишига сазовор бўлди. Хусусан, ўзининг сеvimли тури - таяниб сакраш машқида эса у жаҳоннинг энг кучли спортчиси эканлигини яна бир марта исботлади.

А.ЮНСОВ



ДИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Наврўз байрами арафасида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига байрам дастурхони ёзилди. Шодийнанинг концерт дастурида турли миллатга мансуб болалар Наврўзани, Ватан ва ота-она меҳрини мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар ижро этди. Шўх мусиқа барчани рақсга чорлади.

Халқимизнинг қадимий байрами муносабати билан ўтказилаётган бундай хайрли тадбирлар болажонларимизга катта қувонч улашади, - деди Меҳрибонлик уйи директори Доно Ворисова ўза муҳбирига. - Бу борада мурувватли ва ҳимматли ҳоимйларимиз томонидан мунтазам хайрия ёрдами кўрсатиб келинаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Республика «Маҳалла» ва «Нуроний» жағмаралари ҳамда Тошкент шаҳри ва Собир Раҳимов тумани ҳокимликлари вакиллари Меҳрибонлик уйига байрам совғалари топширди.

Жамoa шартномаларининг афзаллиги нимада? ПИРОВАРД НАТИЖАГА БАРЧА МАСЪУЛ

дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки, ушбу ҳужжатда меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга турли имтиёзлар берилиши кўзда тутилган. Бошлангич ташкилотлар эса айнан шу келишувда назарда тутилган имтиёзларни жамoa шартномаларига киритмоқдалар. Тармок меҳнаткашларининг шаҳар транспортдаги юришлари учун ойлик чипталар, тушлик овқат пули учун моддий ёрдам ташкил этиш масаласи ҳам келишувда ўз асосини топган. Компания ходимларининг тўй ва турли маросимларини

ридли. Сурхондарё вилоятидаги Бобур номи ширкат хўжалиги аҳолиси учун ичимлик суви етказиб берилди. Меҳнаткашларни соғломлаштириш масаласига ҳам компанияда алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йил давоминда 578 нафар меҳнаткашга турли оромгоҳларга имтиёзли йўлнамалар берилди. Ишчи-хизматчиларнинг 826 нафар фарзандлари ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида хордиқ чиқаришди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари эса имтиёзли йўлнамалар билан таъминланди. Компания тасарруфидоги қорхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнаткашларга кўнглидагидек иш ва дам олиш шароитларини яратиш беришга маблағ ажратилмоқда. Бу борада тадбирлар режаси тузилган бўлиб, улар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Хусусан, бунга 87 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шу маблағ ҳисобидан махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари сотиб олинди. Меҳр ва мурувват йилида ҳам кўпгина хайрли тадбирларни бажариш режалаштирилган. Жорий йилда кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам қўрсатилади. Ушбу қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кесалар меҳр-мурувват билан қўришаб олинади.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» муҳбири

Кейинги йилларда чўл худудидан ажратиб олиб, экинзорларга айлантирилган ерларни тасмадек кесиб ўтган раён Уринбосари Абдурахим Нормуродов Муборак газни қайта ишлаш корхонасида меҳнат қилаётган ишчиларнинг бугунги ҳаёти, орзу ва интилишлари ҳақида берилди хикоя қилади.

Газчилар касба уюшма кўмитаси вилоятдаги энг катта жамоалардан бири бўлиб, ўз сафида бугунги кунда 2200 нафардан ортиқ аъзоларни бирлаштириб турибди. Улар орасидан ўз касбининг ҳақиқий усталари етишиб чиққан. Шулардан бири Қобил Мўминов кўп йиллардан бери корхонанинг 10-таъмирлаш цехида ишлайди. У нафақат жонкуяр ишлаб чиқариш устаси, балки кўплаб ишларнинг устоз-мураббийси сифатида ҳам хурмат қозонган.

Корхонада бундай меҳнат фидойилари кўплаб топилди. Газчилар бригадаси бошлиғи Кувондик Эгамбердиев, қурилиш цехи бошлиғи Фарид Аминовлар шулар жумласидандир.

Корхона худудига киритилган газ билан ишлаб чиқариш масканига эмас, худди дам олиш оромгоҳи келгандек сезасиз, ўзингизни. Ховли ичидаги саранжом-саришталик, кўкка бўй чўзган кўм-кўр арчалар руҳиятингизга ажиб бир ором бағишлайди.

Касба уюшма кўмитаси раиси Меҳмонкул Нурмуратовдан ўғли жароҳат олган шў корхона шофёри Раҳмон Баратовнинг оилавий аҳволини билиб олдик. Маълум бўлишича, корхона маъмурияти ва касба уюшма кўмитаси Раҳмон ака-

нинг ўғли Шермат Баратовнинг Қарши шаҳридаги «Марварид» шифохонасида даволаниши учун 350 минг сўм пул ўтказиб беришибди. Корхонанинг хайрли ишлари фақат бугина эмас. Газ ходимларини

Ижтимоий ҳимоя

тарихий қадамжолар бўйлаб саёҳатларга чиқишлари учун шароит яратиб берилди. 24 киши санаторий-профилакторийларда дам олган бўлса, 80 киши Бухоро, Самарқанд сингари қадимий шаҳарларда бўлиб қайтди.

Ишлаб чиқариш цехларини айланар эканмиз, бу ерда ишчилар кайфияти кўтаринки руҳда экани, иш суръати бир маромда

НУРОНИЙЛАР

биринчи галда йўқланади

ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида анчагина ишлар амалга оширилган. Жумладан, кўп йиллик самарали хизматлари учун йил якунларига қараб ишловчилар 276 миллион сўмлик моддий рағбатлантирилган.

Жамоа аъзоларининг даволаниши, тўй ва маъракалари муносабати билан 15,5 миллион сўмлик молиявий кўмак берилган. Бу ерда пенсия ёшига тўлганларнинг бўйлаб саналарини ўтказиш ҳам анъана тусига кирган.

Ўтган йилнинг ўзида ана шундай муборак ёшга етганлардан 42 нафарига эсдалик совгалари топширилди. Касба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ишловчиларнинг дам олиши, сиҳат-гоҳларда даволаниши,

либ, уларга 2 миллион сўмликка яқин совға-саломлар улашилди.

Ишлайдиган ва нафақадаги хотин-қизларга қарийб 4,5 миллион сўмлик мукофот пуллари берилди. Уларнинг дам олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун жамоа шартномасига асосан бепул йўлланмалар ажратилмоқда.

Бу ерда нафақат ишловчилар, балки уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга ҳам муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Ўтган йили ёзги оромгоҳларда ишчи-хизматчиларнинг 291 нафар фарзандлари жамоа ҳисобидан мириқиб хордиқ чиқарилди.

Корхонада жисмоний тарбия ва оммавий спорт тадбирларини ўтказиш кенг йўлга қўйилган. Хусусан, мусобақаларга бригадалардаги барча ишчи-хизматчилар ҳамда маъмурият муҳандис-техник ходимлари жалб этилмоқда. Айниқса, спортнинг мини футбол, волейбол, шохмат-шашка, стол тенниси, кураш турлари тобора оммалашиб бормоқда. Голибларни моддий рағбатлантириш, спорт майдонларини жиҳозлаш ишларига маъмурият томонидан 2 миллион 415 минг, касба уюшма кўмитаси маблағи ҳисобидан эса 2 миллион 293 минг сўм ажратилди. Корхона ишчилари яшайдиган «Машъал» маҳалласида болалар учун спорт майдончаси тикланди.

Соҳиба Абзамова, «Ишонч» муҳбири

Қари билганни, пари билмас

ТОЖИ БОБО ЎГИТЛАРИ



Китоб туманидаги «Паландара» ҳўжалигининг «Ваткана» қишлоғида яшовчи 76 ёшли Тожи бобо Норбобоевнинг эл ўртасида хурмат банд. Отаҳон умрининг қарийб 60 йили ҳўжалик иқтисодиётини мустахкамлашга бағишлади. Қишлоқдаги серҳосил боғ ҳам отаҳон меҳри ва меҳнати эвазига яшнар турибди.

Бобонинг бир ажойиб одати бор. Етиштирилган маҳсулотидан кам таъминланган, муҳтож оилаларга улашиб туради. Паландарадаги болалар шифохонаси жамоаси ҳам боғбон ҳимматидан миннатдор. Ўз навбатида бир пиёла чой баҳона кишилар отаҳон суҳбатидан баҳраманд бўладилар. Чунки у ўзининг мас-

лахатлари билан кўпнинг озига тушган. Тожи бобо ҳўзурига бу гал туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Иномжон Нигматов ташриф буюрди.

«Ваткана» қишлоғида 6180 нафар аҳоли истико-лик қилади, — дейди Иномжон. 16 дан 30 ёшгача бўлганлар тажрибали, кўпни кўрган отаҳонларимиз суҳбатидан баҳраманд бўлмоқдалар. Бу борада Тожи бобо Норбобоев ёшларнинг маслаҳатгўйига айланган. Қишлоқдаги ёшларнинг бўш вақтларини беҳуда ўтказмасликлари, меҳнатга лаёқатли бўлиб етишишлари учун Тожи бобо қимматли маслаҳатлари билан ўртоқлашади. Зеро, халқимизда қари билганни, пари билмайди, деган ҳикमत бекорга айтилмаган. Шу боис бўлса керак ёшлар ўртасида ҳурманандлар, фермерлар, боғбонлар кўплаб етишиб чиқяпти.

Суратда: туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи И. Нигматов Тожи бобо билан суҳбатда.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири

«ОҚ ОЛТИН» ТОЛАСИ ХОРИЖГА

Яккабоғ туманидаги «Оқ олтин» пахта тазалаш акциядорлик жамиятининг пахта қуришти, тола, момик ажратиш дастгоҳлари тўла янгиланган, меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди.

19,3 минг тонна пахтани янги агрегатларда қайта ишлаб, анча сифатли тола олдик, — дейди акциядорлик жамияти раиси Ибодулло Иброҳимов. — Жорий йилда 1 минг 400 тонна тола экспорт қилдик.

«Оқ олтин» толаси асосан Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Швеция, Италия каби давлатларга жўнатилмоқда.

Қарор ва ижро МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАТЕРИАЛЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хомашё неғизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни қўқураштириш вазифалари белгилаб берилган.

Бетон аралашмалари цехида иш тизги ва масъулиятли. Бир зум тўхтаб қолinsa, маҳсулот сифати пасайиб, стандарт меъёрлари бузилади. Шу боис бош уста Ҳўжамурод Тўрамуродов шогирдларидан ҳар бир жаравни пухта ва аниқ бажаришни талаб қилади.

Ишчилар Дўйсенбой Наженбоев ва Жўлда Садеқевлар бетон қориш механизмининг тўла қувват билан ишлашни таъминлашга, электр пайванди Мурод Аминов метал усуналарни бир-бирига улайди.

Нукус темир-бетон буюмлари заводида Вазирлар Маҳкамасининг қороридан қарорига асосан маҳаллий хомашёдан, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда.

Бунда арматура тайёрлаш цехининг устаси Жанабой Суғуртаев каби тажрибали мутахассисларнинг ҳиссаси катта бўлаётти. Жамоада маҳсулот сифати устидан қатъий назорат ўрнатилган. Бу ерда Кўнгирот сода заводи қурилиши учун темир-бетон усуналари тайёрланмоқда. Жиянбой Бердинов ва Мирзағали Қорабалаев томонидан тайёрланган метал усуналар юқори сифатлиги билан ақрибли туради.

Янги технологияларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан янгилаш, рақобатга бардошли материаллар ишлаб чиқариш асосий мақсадимиз, — дейди корхона раҳбари Б.Ибрагимов. — Республикада қурилиш кўлами кенгайганиги туфайли заводимиз маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда.

Ўтган даврда 5654 кубометр темир-бетон буюмлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. 511 миллион 654 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 29,9 миллион сўм соф фойда олинди. Даромад ошганлиги туфайли жамоа аъзоларининг ижтимоий-маънавий муаммолари ҳал этиляпти. Ходимларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланыпти. Корхонанинг дебитор қарзлари 25 миллион сўмга камайиб, ишлаб чиқариш қуввати анча ортди. Янги машина ва механизмлар сотиб олинди. Олинган фойда ҳисобидан ишчилар моддий жиҳатдан рағбатлантириляпти.

Корхона маҳсулотлари Кўнгирот сода заводи, «Қорақалпоқсанатфуқароқурилиш», «Дехқонқурилиш», «Бинокор», «Алоқинвест» каби қурилиш ташкилотларига етказиб берилляпти. Айниқса, темир-бетон деворлар, пойдеворлар, плита ва балкалар, электр тармоқлари учун бетон симёғочларга талаб катта. Шунинг учун ҳам корхонанинг арматура, буюмларни бутлаш, бетон қориш цехларида маҳсулот сифатини яхшилаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Қорақалпоқстонда тайёр материаллар ишлаб чиқариш учун маҳаллий хомашё етарли. Шунинг учун ушбу жамоа мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш учун самарали меҳнат қиляпти.

И.ИСОМИДИНОВ

Наврўз айёми арафасида халқимизнинг бағрикенглиги, саховатпешалиғи янада яққолроқ намойён бўл бўлин, ЯХШИЛАР!

Ромитан туманининг Чандир қишлоғида яшовчи тадбиркор Мустафо Бўлдиёв ўттиз нафар кам таъминланган хамқишлоғига молиявий ёрдам қўрбати, уларнинг дуосини олди. Мустафо ака тумандаги ёлғиз қарияларни кўлаб-қувватлаш мақсадида «Нуроний» жамғармаси туман бўлимига ҳам маблағ ўтказди.

Бухоро туманидаги «47-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма» ҳиссадорлик жамияти жамоаси эса қурилиш касб-хўнар коллежи кутубхонасига 150 минг сўмлик бадий китоб совға қилди. Корхона ахли коллежда таълим олаётган ёрдамга муҳтож ўқувчиларни кўлаб-қувватлашни ҳам эздан чиқармади. Шу мақсадда коллеж ҳисоб рақамига ярим миллион сўм маблағ ўтказди.

Пешкулик тадбиркор Соҳиб Файзиев ўз ҳисобидан Сарикунда қишлоғига табиий газ олиб келди. Юзга яқин хонадоннинг шарофати билан газдан фойдалана бошлади.

Бундай мурувватли кишиларнинг рўйхатини яна кўплаб давом эттириш мумкин.

ОЛМАЛИҚДА ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Етмишдан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётган Олмалик шаҳрида бу йил Наврўз одатидан ўзгача қарши олинмоқда.

Баҳор байрамини кўтаринки руҳда нишонлаш учун жиддий ҳозирлик қўрдик, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Муҳаббат Дўсметова. — Наврўз арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарида 45 мингдан зиёд киши иштирок этди. Ун минг туп мевали ва манзарали дарахт ниқоллари ўтказдик. Мавжуд 41 маҳалла, ўнлаб ташкилот ва муассасалар худудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Умумхалқ ҳашаридан тушган маблағнинг асосий қисми аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилмоқда.

КўШТЕПА БОЗОРИ

Олтинқўл туманидаги Кўштепа қишлоғида 330та савдо ўрнига эга бўлган деҳқон бозори очилди. Бу ерда аҳоли ўзига керакли озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик, санат, хўллас, барча турдаги маҳсулотларни харид қиляди.

Бозорда сотувчилар ва хариддорлар учун имкони борича қўлай шароитларни яратишга ҳаракат қилдик, деб таъкидлади «Олтинқўл деҳқон бозори» директори Бахтиёр Исроилов «Туркистон-пресс» муҳбирига.

Хусусан, оватқилиш шохобчалари, чойхона, автомобил тўхташ жойлари имкозларга катта қўлайлик туғдиради. Дарвоқе, шу ерга яқин жойда мол бозори ҳам очилди.

Б. Исроиловнинг айтишича, айни пайтда мева, सबзот ва полиз маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган хоналар таъмирланмоқда.

ХОНОБОД ОБОД БЎЛАДИ

Наврўз арафасида Хонобода шаҳар истиқболла-

рига бағишланган кўрғазма очилди. Ушбу кўрғазмадан тарихий экспонатлар, замонавий фотосуратлар, бадий полотнолар ҳамда халқ усталарининг ишлари жой олди.

Бундан ташқари, маҳаллий кўшма корхоналар, хусусий ва яқка тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналари ҳам кўрғазмага қўйилди. Шунингдек, кўрғазмада шаҳарда яшовчи ўнлаб миллат вакилларининг урф-одат ва анъаналари акс эттирилган фотосуратлар ҳам намойиш этилмоқда.

«Туркистон-пресс»



Қўшма корхона — хориж ишончи «САМАРҚАНДНИНГ ЭНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТИ»

Самарқанд шаҳрида супермаркет, савдо шохобчалари ҳамда қаҳвахоналарда истеъмолчилар учун нотаниш, бироқ севишли, харидорлар маҳсулот тортиқ қилишга эришдик. «Камалак» номи билан ишлаб чиқарилаётган ушбу шоколад қўшилган вафли қаламчалари «Инвар» Ўзбек-Болгар қўшма корхонасида тайёрланмоқда. Бу ерда, шунингдек, жаҳон талабларига жавоб берадиган 85 фоиз қуруқлаштирилиб ваэсизлик шароитида олинган 3 турдаги мурабболар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Корхонамиз Австриянинг юқори технологияси билан жиҳозланган.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Россия, Греция, Италия, Болгария каби давлатларда харидорларнинг энг севишли маҳсулоти ҳисобланади. Хали истеъмолчилар томонидан тўлиқ ўрганилмаган бўлса-да, ўтган йили вилоятда энг сара маҳсулот сифатида Стандарташ ва метрология бошқармаси томонидан ўтказилган «Самарқанднинг энг сифатли маҳсулоти» қўриқ-танловида биринчи ўринга лойиқ топилганининг ўзиёқ бизнинг ишимизга берилган муносиб баҳо бўлди.

Албатта, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни осон кечмайди. Лекин ҳамкорларимиз кўмағида ишчи-хизматчиларимиз технологияни ўзлаштириб, маҳсулотнинг

ташқи кўринишига бир мунча янгиликлар киритишди. Шу боис Лондон, Франкфурт каби шаҳарларда ўтказилган халқаро ярмаркаларда қўшма корхонамиз маҳсулотлари муносиб ўринни эгаллаб келмоқда.

Бизнинг корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи унчалик қиммат эмас. Чунки хомашё ўзимиздан. Маҳсулотнинг аралашмалари ва тайёрланиш давомида унга витамин ва юқори қувватга бой хомашёдан қўшилади. Ташқин шаҳрида бўлиб ўтган «INTER-FOOD» ярмаркасида ҳам маҳсулотимизга кўплаб фирма ва корхоналарда қизиқиш пайдо бўлди. Хозирги кунда пойтахтдаги «Карвон бозори»да корхонамиз дилери томонидан истеъмолчиларга ушбу маҳсулотлардан бири етказиб берилмоқда. Бундай неъматлар фақатгина Россия ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда.

Қўшма корхонада бугунги кунда 15 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг унумли ишлаб, меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Илгор ишчи-хизматчилар эса доимий моддий рағбатлантирилиб борилмоқда. Шу боис, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати кун-саяин ошиб бормоқда.

Айни чоғда корхонада хорижий истеъмолчилар ишончини қозониши йўлида саяё-ҳаракатлар бошлаб юборилди. **Инатullo Худойкулов,** Қўшма корхона бош директори

Жомбой туманидаги Хўжам Низаматов номли ширкат хўжалиғи ўтган йилни яхши натижалар билан якунлади. Ялли даромаддан 300 миллион сўм соф фойда олинди. Хозирда кўкламги экиш мавсумига ушқоқлик билан ҳозирлик қўрилмоқда. 64 та чопиқ ва экиш агрегатлари мавсумга шай қилиб қўйилган.

Суратларда: чилангар Абдукарим Қосимов; хўжалик аъзоларидан бир гуруҳи. Бўрибой НОРҚУЛОВ олган суратлар

Бу йилги кишининг нисбатан иллик келиши ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига барвақт киришишга имкон яратди. Айни кунда вилоятнинг қатор шаҳар ва туманлари марказлари, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, ташкилот ва идоралардаги мавжуд дарахтларга шакл бериш, кўчат ўтказиш, атрофни чиқиндилардан тазолаш ишлари бошлаб юборилди. Бозорлардаги мевали ва манзарали дарахт ва гул кўчатларини сотиш растанларда одамлар анча гажжумлашиб қолди. Кўкаламзорлаштириш ишлари хали оммавий тус олмаган бўлса-да, бозорлардаги харидорларнинг бир мунча кўпайганлиги кишини анча қувонтиради.

Хоразм вилоятининг маркази Урганч шаҳрининг қиёфаси кейинги йилларда кескин ўзгариди. Кўплаб маъмурий, турар-жой бинолари қурилди, қайта таъмирланди. Хиббонлар, гулзорлар ташкил қилинди. Кўчаларда, кўлаб корхона, ташкилот, муассасаларнинг бинолари олдига кишига заъв берувчи гулзорлар пайдо бўлди. Катта сарқатнов кўчаларнинг ўртасидан яшил йўлаклар олинди. Бундай хайрли ишлар анчагина. Лекин... Урганч деҳқон бозори яқинидаги майдонда шу ҳақида асос солган инсонлар хотираси учун ҳай-

Табиат тақдири — инсон тақдири

Биринчи қисмида ҳар йили бир мунча ишлар қилинди, гуллар ўстирилди. Аммо иккинчисидан ишлар анча вақт бўлди, кўзга ташланмапти. Тўғри бу ерда ҳам ҳашар уюштирилиб, дарахт кўчатлари, гуллар экилади. Лекин улар қўлпича ўзини тутмайди. Негаки наридан бери, илос билан қилинмаган иш ўз сама-

ҳам шоҳи сўзанага тушган бўз ямоқдай, кўпчилик дилини гаш қилиб ётавериши аниқ.

Бозор - юртнинг қиёфаси, дейишади. Бошқа жойлардан келган меҳмонлар, сайёҳлар оdatда бозордаги нарх-навога, мўлкўликка ва бозор атрофининг озодалиғига қараб шу элга бошқо беришади. Яқинда Ташкентдан келган бир меҳмон Урганч деҳқон ва кийим-кечак бозорларининг хар хил чиқиндиларга тўла атрофини кўриб, дили анча хижил бўлганлигини очик изҳор қилди.

Ҳақиқатан ҳам бозор атрофида табиатий муҳофаза қилишга оид қонунларнинг қўпол равишда бузилиш ҳоллари кўзга ташланяпти. Тўғри бозор худудида тозалаш ишлари ҳар кун олиб борилади. Лекин ат-

ШОҲИ СЎЗНАДАГИ БЎЗ ЯМОҚ

расини бермайди. Ҳар йили бу майдон ўзининг гулларини эмас, бегона ўтларини кўз-кўз қилиб, куз фаслига етиб келади. Савол туғилади, бу майдон қачон ўзининг ҳақиқий қиёфасига эга бўлиб, одамлар заъни оширадиган жойга айланади? Шаҳар мутасаддилари бу саволга қанча жавоб топишгани ҳақида ҳақиқатан кеч бўлгани яхши дейдилар. Чунки бу ҳақда хозирдан йўлаб кўрилмаса, одамлар кўлаб ўтадиган бу майдонча бу йил

рофдаги ариқчалар чиқиндилардан вақтида тозаланмайди. Айниқса, кийим-кечак бозорининг шарқий дарвозаси олдидаги аҳвол анча ачинарли. Бир вақтлар қопламани бўлган катта майдоннинг бир қисмидаги асфальтнинг кўчириб олиниб, ўрнида ўнқир-қўнқирлик ҳосил қилинганлиги бозорга келувчиларга анча ноқулайлик туғдириди. Энг ачинарлиси шундаки, майдоннинг марказидан ариқ сифатида қазилган чуқурчалар шу атрофда фаоллашган курсатаётган хусусий дўкннлар ва ошонлардан чиққан чиқиндилар ташланмаган жойга айланди қолди.

Шундай экан, бу ерда кунлар исизи билан пашша ва чивиллар қўпайиб, ҳар хил юқумли касалликлар тарқаладиган манба бўлмаслиғига ким қафолат бера олади? **Р.РАҲИМОВ,** журналист

САХОВАТДАН ОЛАМ МУНАВВАР

Юртимизга баҳор еллари канотида Наврўзи олам келмоқда. Наврўз халқимизга ризқ-рўз, борлиққа янгилик ва ёшарни, жумла хажонга нафосат ва гўзаллик улашиш билан бирга кўнгилларни меҳр-оқибат, мурувват ва саховат нури ила нурафшон айлайди.

Ана шундай муборак кунларда инсонлар бир-бирларига фақат яхшилик қилишга интилади-лар, ўтган гина-кудура-лар унутилади, меҳр-ришталари мустаҳкамланади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари ҳам Наврўз байрами арафасида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия тадбирини ташкил этиш, уларнинг кўнгилларини кўтаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ана шундай хайрия тадбирларидан бири Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги 15-сонли Меҳрибонлик уйда бўлиб ўтди.

Шу кунги ушбу масканд тарбияланаётган 175 нафар боланинг чеҳрасида қувонч порлади, дил-


лари шодликка тўлди. Улар учун байрамона дастурхон тuzатилиб, кўклам таомлари, паловхонтўра, ширинликлар тортилди.

Ушбу тадбир ташкилотчиси бўлмиш Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мана шу ўғил-қизларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун ўз ҳиссасини қўшишни, уларга меҳр қўратишни мақсад қилган, - деди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсат аъзоси, Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси раиси Озода Муҳитдинова. - Бу каби болажонлар ёлғиз эмасликларини, бошларида меҳрибон ва инсонларвар давлатимиз, қалби дарё, саховат

ватпеша инсонлар борлигини, доимо ўзларига меҳр-мурувват кўрсатилишини ҳис қилиб яшамоқдалар. Бу мамлакатимизда инсон омилига берилмаётган юксак эътибордан, кучли ижтимоий ҳимоядан далолатдир.

Ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан мамнунликларини билдириётган ўғил-қизларнинг дил изҳорлари ҳеч қимми беэътибор қолдирмади.

- Мен синглим билан шу ерда тарбия топаётман, - деди тўртинчи гуруҳ тарбияланувчиси бўлган 9-синф ўқувчиси Лобар Абдукаримова. - Бугунги тадбирдан бошимиз осмонга етди. Қасаба уюшмалари бир кунда бизга бир олам қувонч, тақдир этди. Айниқса, улар соғва қилган спорт кийимлари бизни мамнун этди. Чунки бу ерда кўпчилигимиз таъза-қанда ва каратэ тўғрисида қатнашамиз. Мен ўзим уч йилдан бери шу тўғрақ аъзосиман. Бугунги тадбир



Тадбир

ташкilotчиларига чин кўнгилдан раҳмат дейман. - Бугун мен оналарга меҳрини ҳис этдим, - деди 5-синф ўқувчиси Хусан Қосимов. - Айниқса, барчамизнинг биргалиқда қўй-қўшиқларга шўх рақсларга тушганимизда кўнгилмиз жуда кўтарилди. Бу меҳрибончиликларга раҳматимизни ўзимизнинг аъло баҳоларимиз ва намунали хулқимиз билан айтаемиз.

Сиздан беҳад миннатдоримиз, меҳридарё инсонлар.

Тадбирда 15-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳар бирига Ўзбекистон қасаба уюшмалари томонидан спорт костюмлари, пойабзал ҳада этилди. Мухими ҳар бир болажоннинг кўнгил мурувват нурлари билан ёришди.

Зеро, гўдақларга бахшида меҳр келажакда ўз мевасини беришига шубҳа йўқ.

Хайрия тадбирида туман ҳокимлиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент вилоят қасаба уюшмалари кенгаши, вилоят таълим ва фан, агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма кўмиталари вакиллари иштирок этдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот котиби

Тўхфа МАҲАЛЛА БОҒИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўлкамизга янгилик ва яшарни байрами - Наврўзи олам кириб келмоқда. Чор-атроф ажиб гўзаллик, яшиллик билан безанган. Кўкларнинг майини шаббодаси дилга қувонч, кўтаринклик бағишлайди. Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизнинг барча жойларида Наврўз нафаси кезиб юрибди.

Мирзачўл туманида ҳозирги кунда 52 минг нафар аҳоли аҳилликда, баҳамжihatликда истиқомат қила-япти. 8 та қишлоқ ҳамда 4 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда умргузворлик қилаётган аҳоли тарқибини йиғирмага яқин миллат ва элат вакиллари ташкил этади. Эътиборлиси, мирзачўлликлар Наврўз байрамини кўтаринки қайфият, зўр уюшқорлик ила қарши олишаётир. Маҳаллаларда ўтказилаётган ҳар қандай тадбир йиғин раислари ва оқсоқоллар бошчилигида қатта уюшқорлик билан ташкил этилмоқда. Айниқса, Тагарин шаҳридаги «Ғалаба» маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Беш ярим минг нафар киши истиқомат қилаётган ушбу гўшада ободонлаштириш, кўкларзорлаштириш ишлари қатта эътибор қаратилаяпти. Бунда ҳудуддаги «Ержар» пахта тозалаш ҳиссасдорлик жамияти, туман таъмир-механика корхонаси, дренаж участкаси каби ташкilotларнинг ҳомийлик кўмаги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча аҳоли фаол қатнашди. Йиғин раислари ва кўча оқсоқоллари бошчилигида кенг миқёсдаги ободончилик ишлари олиб борилиди. Жумладан, «Дўстлик» ва Таймонов номи кўчалар оралиғидаги ташландиқ жой тозаланиб, тартибга келтирилди, стадион қурилди. Уйингоҳга чим ётқизилди, югуриш йўлакчалари барпо этилди. Айтганча, маҳаллада болалар спортини ривожлантиришга биринчи галдаги вазифа сифатида қаралмоқда. Маҳалланинг «Дўстлик» болалар футбол жамоаси бор. Жамоа ўтган йили Хоразмида бўлиб ўтган «Футбол гунчиси» мусобақаларида иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шунингдек, бу ерда каратэ, бокс каби спорт секциялари ишлаб турибди. Уларга 64 нафар ўғил-қиз жалб этилган.

Бундан ташқари, умумхалқ ҳашари давомида маҳалла ҳудудида янги бог яратилди. Бир гектар майдонга турли хил мевали дахат кўчатлари ўтказилди. Кўча ва йўлақлар ёқаларига минглаб терак кўчатлари экилди. Ховли жойлар оқланиб, тартибга келтирилди.

Кам таъминланган оилалар, яққа-ёлғиз кексалар ва ногиронлар доимий эътиборда. Жумладан, янгида 6 та кам таъминланган оила ҳамда 16 нафар ногиронга моддий кўмак берилди. Бир нафар ногироннинг уйи жорий таъмирдан чиқарилди. Меҳр-саховат ишлари Наврўз айёми кунлари янада авж олади.

Бўрибой НОРКУЛОВ,
«Ишонч» мухбири



ОВУЛГА ГАЗ КЕЛДИ

Элликқалъа туманида 15 мингга яқин хонадон газлаштирилган. Кеча улар қаторига яна юздан зиёд оила қўшилди.

Наврўз арафасида тумандаги «Гулистон» овул фуқаролар йиғинидаги «Истиқлол» аҳоли пунктига табиий газ келтирилди.

Овул ахлининг қувончи Наврўз тантаналарига уланиб кетди.

ВОБКЕНТА НОРВЕГИЯ СЕЯЛКАСИ

Вобкент туманининг Имом Бухорий номидаги ширкат хўжалигига Норвегиянинг «Квернеланд» компаниясида ишлаб чиқарилган сеялқалар келтирилди. Мутахассислар фикрича, у уруғни ерга аниқ миқдорда ташлайди. Қатор ораларини 30, 60 ёки 90 сантиметр белгилаш мумкин. Ушбу меҳанизм нафақат чигит, балки кунгабоқар, тарик, маккажўхори, нўхат экишда ҳам қўл келади.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

ФЕРМЕРЛАР ШИРКАТЛАРГА НИСБАТАН ТЕЖАМКОР

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда Республикаимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақюна-лари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодийётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш нафақат қишлоқ хўжалиги, керак бўлса, бутун иқтисодийётимизнинг келажаги шу йўналишга боғлиқ эканлиги таъкидланди. Бу ўз наватига соҳа ривожини учун янада қўлай имкониятлар яратди.

Бундан ташқари, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш нафақат қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини яхшилатиш ҳам, янги ҳосил бўйича ҳам фермер жамоалари ширкатлардан анча ўзиб кетишиди. Пахтачилик ва галличчилик бўйича рентабеллик ошиб бормоқда. Фермер ширкатларидан 6,6 миллиард сўм фойда олинди. Улар томонидан минерал ўғит, ёқилғи ва бошқа сарф-харажатлар ширкатларга нисбатан тежамкорлик билан ишлатилмоқда. Уларга хизмат кўрсатиш учун жойларда 42 та мукобил МТП, 34 та минерал ўғит ва 15 та ёқилғи-мойлаш материаллари сотиш шаҳобчалари, 21 та мини

банклар ишламоқда. Шунга қарамаздан, ҳар бир хизмат кўрсатувчи ёки қайта ишлаш корхонаси бу йўналишни ўзининг имкониятига қараб йўналтиради. Бунинг нефт маҳсулотлари таъминотида кўрадиган бўлса, мавжуд 7 минг нафар фермерларнинг аксарияти асосий ишлаб чиқаришдан узилган ҳолда икки-уч марталаб нефт базага келиб-кетмоқда. Энг ёмони улар билан шартнома тузишда ва ҳисоб-ки-тоб масаласида юқори ташкilotлар ёлғимомаси қарорини рўқча қилиб, фермернинг ҳуқуқлари бузилмоқда. Бу борада хўжалик судига даво аризаси киритилди. Шунингдек, фермер ва фермерлар етиштирадиган маҳсулотларини шартномавий нарҳларда сотиб оладиган, уларга зарур товарлар ва материаллар етказиб берадиган инфратузилма тармоғи яратилмаган. Шу ўринда ҳар бир туманда имкониятдан келиб чиқиб, 2 тадан таъминот ҳамда савдо-харад корхоналари тузилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Бу инфратузилмалар фермерларни ишлаб чиқаришда кўпроқ иштирок этишларига имконият яратди.

Фермерларга ортиқча маҳсулотларини сотиш бўйича ҳам муаммолар талғилана. Жумладан, ўтган йилда етиш-

тирилган помидорни Жондордаги корхонага топширгунча анча қийинчиликлар бўлди.

Вилоятимиздаги 615 нафар чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган фермерлар етиштирган маҳсулотларини қаерга сотишни билмай сарсон. Бу борада гўш ва сутни қайта ишлайдиган корхоналар ўз имкониятларини яхшилашлари лозим. У икки томоннинг ҳам манфаатдорлигини ошириш билан бирга пул айланишини таъминлайди ва маҳаллий тўловларни ўз вақтида тўлаш имконини беради. Кези келганда, қатор масалаларни ҳал этишда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг роли унчалик сезилмаётганини ҳам таъкидлаш лозим.

Сабоби бу тизим 1998 йилда ташкил этилиб, фақат ихтиёрий аъзо бўлган фермерлар билан ишлаб, уларнинг аъзолик бадали ҳисобига яшашни кўзда тутилган.

Хуллас, вилоят вакиллик идорасини ҳар томонлама жонлантириш чораларини кўрмоғи лозим. Бу яқин келажакда қувончи самараларини бериши муҳаррач.

М.МУҲАММЕДОВ,
Бухоро вилояти деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллик директори



Ўқув Марказида Семинар

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Ўқув марказида Тошкент шаҳри ва бир неча вилоят туманлари таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кўмиталари раислари 15-20 март кунлари ўқув-семинарда бўлиб, билим ва тажрибаларини мустаҳкамладилар.

Семинар ташкил этилишидан мақсад, аввало қасаба уюшма етакчиларининг фаолиятини янада жонлантириш, меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида улар ролини ошириш ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритиш ҳусусида фикр алмашиш эди. Айниқса, миллий мафкура, маънавиятни шакллантиришда қасаба уюшмалари ўрни, меҳнат муҳофазаси, жамоа шартномаларининг жойларда бажарилиши ҳамда маданий-маърифий, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, спорт тадбирларини ташкил этиш борасида катта таассурот қолдирди.

Ўқув муассасаларида спорт тадбирларини йўлга қўйиш, айниқса, болалар спортини ривожлантириш ва оммалаштириш борасида аниқ кўрсатма ва таклифлар билдирилди. Семинар давомида тингловчилар Тасвирий санъат музейига ҳам таширф буюришди. Бир сўз билан айтганда, ўқув тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Абдураим ҲАЙДАВЛОВ, Чирочки тумани таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси:

Йил бошидан бунён вилоятдаги 26-меҳрибонлик уйига тўрт миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳр ва мурувват йилида хайрия тадбирларида саноят корхоналари, олий ўқув юртлари, фармацевтика муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органлари иштирок этмоқда.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ёшлар спорт мажмуида дам олдилар. «Ўзбектуризм» компаниясининг вилоят бўлими улар учун Фарғона ва Марғилонга сафар уюштирди. «Дори-дармон» акционерлик жамиятининг ҳомий ташкilotлари дори-дармонлар, вилоят халқ таълими бошқармаси янги меъбел, палос, кийим-кечаклар ахратди.

Наврўз арафасида ўнлаб тарбияланувчилар Давлатобод мавзесида «Ебуршох боғи» МЧЖ томонидан уюштирилган байрамда қатнашди.

Меҳр ва мурувват йили болалар учун янги бир қувончқа воқеа билан эсда қолади - шаҳар таъқарисидаги Оромгоҳ мавзесидagi етти гектар майдонда меҳрибонлик уйининг янги биноси қурилди. Бу ерда болаларнинг ўқиши ва яшаш учун барча шароит яратилди.

ЭЗГУЛИК РАМЗИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги «Ҳамкорлик» халқаро клуби билан биргалиқда Наврўз байрами муносабати билан ташкил этган андишо-бадий кеча шундай деб номланди. Унда хотин-қизлар кўмиталари, маҳаллалар фаоллари, халқаро ташкilotлар, мамлакатимиздаги диبلوماسية корпус вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, Наврўз - баҳор ва уйғониб, янгиликнинг ва эзгулик, муҳаббат ва мурувват, бағрикенглик ва маънавий бойлик рамзи. Уни нишонлаш эса халқимизнинг қадим урф-одатларидан бири ҳисобланади. Бу кун кўп асрлик тарихимиз, маданиятимиз ва миллий ўзгичилигининг энг яқши аънавларини ўзида муҳассам этган. Айни пайтда у тинчлик ва бирдамлик белгиси. Бугунги кунда Наврўз янги маъно касб этиб, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат кишилари учун умумий байрамга айланган.

Тошкент вилоятида юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Бутун мамлакатдаги каби вилоятда ҳам байрамга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Умумхалқ ҳашари ўтказилди, барча туманлардаги кўча ва хиёбонлар кўкларзорлаштирилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кишилар ва қариялар уйлари ободонлаштириш борасида катта ёрдам кўрсатилди. Меҳрибонлик уйлари, ихтисослашган мактаб-интернатлар биносини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди.

ЁРДАМГА МУҲТОЖ СИҲАТГОҲ

Нуробод туманидаги «Нурбулоқ» сиҳатгоҳида айни пайтда 9 нафар олий тоифали, 36 нафар маҳсус маълумотли ва 33 нафар табибий ходимлари фаолият кўрсатишмоқда. Бундан 10-12 йил илгари мазкур сиҳатгоҳдаги 700 метр ер остидан сизиб чиқадиган 43 даражали маъданли сув асаб, ошқозон-ичак, тери, экзема, ҳаракат таянч аъзолари ҳамда хотин-қизлар генетал касалликларини даволашда муҳим рол ўйнайди.

Маълумки, ҳозирги кунга келиб, мулк шакли ўзгарди. Шу боисдан ҳам шифохонанинг 100 ўринли мажмуи хусусийлаштирилиб, даволашни пуллик асосда ташкил этилди. Айни кунда сиҳатгоҳда даволанувчилар 10-18 кун давомида суткасига 2376 сўмдан тўлаб, соғлиқларини тиклашмоқда. Утган йили айнан шу пуллик хизматдан 25 миллион сўмлик соф фойда олинди. Шу ҳисобдан

кўпгина жиҳозларни янгилаш кўзда тутилмоқда. Лекин шу билан бирга шифо масканида айрим муаммолар ҳам тўп-ланган. Шу жумладан, яқин ўн йиллар ичида биронта табибий жиҳозлар сотиб олинмаган. Капитал таъмирлаш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Ётоқхоналардаги айрим жиҳозлар эскириб, талабга умуман жавоб берамайди. Муолажа хоналари ҳам таъмирталаб. Ошхонадаги аҳволни ҳам қониқарли деб бўлмайти. Беморларга кунига 2 маҳал оқват берилади. Бу ҳам бўлса, ҳар бир кишига 700 сўмдан маблағ сарфланаёпти холос. Албатта, бу ҳолат Бухоро, Жиззах, Навоий ҳамда Қашқадарь вилоятларидан келиб даволанувчилар эҳтиёжи даражасида эмас.

Узоқ йиллар давомида довраги кетган «Нуробод» больнеологик даволаш масканида мулк шакли ўзгарган бир шароитда юқоридаги камчиликлар ўз ечимини қачон топаркин? Ҳозирча бунга ҳеч қим жўяли жавоб беролмайтир. Вақт эса кўтиб ўтирмайтир.

Х.КОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири

Янги Пункт


Андижон шаҳрида «Ўзприватбанк» приватизация ва инвестиция бўйича халқаро банкнинг «Анелик» халқаро пул кўчириш пункти иш бошлади. «Анелик» - жисмоний шахслар томонидан МДХ, Европа, Америка ва Африка мамлакатлари банкларидан ҳисоб-рақам очмасдан туриб ўзаро пул ўтказиш тизимидир.

Ўтган йили иккита шундай пунктимиз орқали миқозларга 11 миллион АКШ долларидан зиёд пул кўчирмалари хизматини бажарди, - деди «Ўзприватбанк» бошқаруви раиси Анвар Эргашев ўза мухбирига. - Жорий йилнинг шу кунига қадар эса бу кўрсаткич 3,5 миллион доллардан ошиб кетди. Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида яна учта янги пункт очиш ниятидаимиз.



Эътиборли томони шундаки, дунёнинг өтмиш давлатидаги икки юздан ортиқ банк ҳар йили ушбу тизим ёрдамида 300 миллион долларлик пул ўтказмаларини амалга ошириб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда «Анелик»дан ташқари яна «Western Union», «MoneyGram» ва «Contact» каби пул кўчириш тизимлари фаолият кўрсатаяпти.




ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ
 ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ



Барча
 юртдошларимизни
 ҳамда соҳа ходимларини
 баҳор ва гўзаллик
 байрами билан самимий
 муборакбод этади







Мамлакатимиз
 иқтисодий
 салоҳиятини янада
 юксалтириш йўлидаги
 улуғвор ишларингизда
 омад ва муваффақият
 ҳамиша ёр бўлсин!




ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ



*Юрtdошларимизни ва соҳа ходимларини
Наврўзи олам билан самимий мубороқбод этади*




*Наврўз ҳар бир хонадонга қувонч ва
шодлик, файзу барака олиб кирсин
Барчангизга мустаҳкам соғлик, омад ва
муваффақият ёр бўлсин!*



ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ

ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ



Тармоқ меҳнаткашларини
 ҳамда барга фуқароларни
 меҳр-мурувват айёми, орзу-
 умидлар рамзи бўлмиш
 Наврўзи олам билан
 самимий муборақбод эшад

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



Ёмғирлар хирмондан хушдарак бўлсин,
 Толе бошимизга чамбарак бўлсин,
 Уйғониш фасли бу - уйғоқ яшайлик,
 Дўстлар, Наврўзингиз муборак бўлсин

TV 22-28 март

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахилнома» 8.45 ТВ-маркет 8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 Давр 7.25 ТВ-анонс 7.30 «Мунаввар тонг»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби 17.20 ТВда сериал. «Луиза Фернанда» 17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»...

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 9.00 Мини футбол. Ўзбекистон кубоги.

СЕШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

14.40 Кундузги сеанс: «Жан Кристофф». Телесериал. 15.35 «Истеъдод». Мусикий 15.55 «Яхшилик»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 Давр 7.25 ТВ-анонс 7.30 «Мунаввар тонг»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби 17.20 ТВда сериал. «Луиза Фернанда» 17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»...

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 9.00 Мини футбол. Ўзбекистон кубоги.

ЧОРШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

ПАЙШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

20.30 «Ахборот» 21.05 «Журналист таҳлили» 21.25 «Кўшиқ - маънавият дастури»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 Давр 7.25 ТВ-анонс 7.30 «Мунаввар тонг»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби 17.20 ТВда сериал. «Луиза Фернанда» 17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»...

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 9.00 Мини футбол. Ўзбекистон кубоги.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

10.05 Алифбо сабоқлари. 10.25 «Олтин бошқоқ». Болалар учун спектакль...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

17.00 «Болалар спорти». 17.15 «Спорт-менинг ҳаётим» 17.30 «Хабарлар»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

18.10 «Биз ва болалар». 18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Болалар спорти» 17.20 «Спорт клуб»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...



Ўзбекистон телеканалининг янги студияси

«Универсиада-2004:»

ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

БАРКАМОЛЛИК ТАЯНЧИ

Талабалар инсоннинг шаклланишида муҳим бошқича ҳисобланади. Бунда нафақат таълим ва дарс жараёнининг, балки омавий тадбирларнинг ҳам аҳамияти катта. Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтининг республикадаги нуфузли олийгоҳлардан бири. Унинг кундузги ва сиртки бўлимларида 3 миңдан зиёд талаба таҳсил олади. Бу ерда ҳам ҳозирги пайтда республика талабаларининг катта спорт анжумани «Универсиада - 2004» мусобақаларига қизгин тайёргарлик кўриляпти.

дий безатиш, ёзилажак шпорларнинг матни ва мазмунини бўйича эътиборга лойиқ тақлифлар билдиришиди.



Хозир институтда «Универсиада - 2004» мусобақаларига тайёргарлик қизгин. Футбол, волейбол, баскетбол майдонларидан иборат, таълимчилар учун қўлай ўриндиқлар ўрнатилган очик спорт мажмуи, спорт зали фойдаланишга тахт. Мажмуа қисқа фурсатда қурилганини алоҳида эътироф этиш керак. Айна вақтда институтнинг 360 ўринли ётоқхонаси ва бир вақтда 250 мижозга хизмат кўрсатадиган ошхонада таъмирлаш ишлари нихонисига етказилляпти. Ётоқхонада энг юксак талабаларга мос шароит мавжуд бўлады.

Курилиш-таъмирлаш ишларини «Дилшод» фирмаси ва институтнинг ўз курашида жамоаси амалга оширяпти. Хозирга қадар 40

Ҳозирлик

сан, Бухорода ўтган «Универсиада - 2002» беллашуварларида олийгоҳнинг гандболчи қизлари, баскетболчи йигитлари, катта теннис ва футбол бўйича етти нафар талаба қатнашди. Ўтган йили декабр ойида Тошкент аграр университетиде талабалар ўртасида ўтказилган миллий кураш бўйича 1 халқаро турнирда Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтининг талабалари Ш.Қурбонов, Ф.Ғаниев, С.Раҳимов, Т.Эшматов, Ж.Каримовлар совриндор бўлишди. Талаба Ғайрат Эшматов дэю-дэ бўйича Андижонда ўтган республика биринчилигида ўзини кўрсатди.

«Универсиада - 2004» мусобақаларида муваффақиятли қатнашиш учун барча чоралар кўрилмоқда. Дарвоқе, қатнашадиган вилот жамоалари таркибига дэюдочи Ф.Эшматов, гандболчи Д.Асанова, курашчи Ф.Мамадиев, футболчи Б.Раҳмонов, У.Абдураҳмонов, С.Сайфиев, Т.Облоқуловлар киририлган.

Катта спорт анжумани арафасида институт спорт анжонлари билан тўлиқ таъмирланди. Талабалар жамоалари кўркам спорт кийимларига эга бўлди. Бу мақсадларга институт ҳисобидан қарийб 25 миллион сўм ажратилди. Хуллас, спорт талабалар ҳаётининг ажралмас ва муҳим қисми бўлиб қолмоқда.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири



Орол дарди - олам дарди

Президентимиз Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида «Агар биз она заминга, Ватанга меҳр ва садоқат ҳақида сўз юриладиган бўлсак, биринчи галда, саҳро кўши, гармсёл ва изгириш шамолларида товланган, оғир табиий шароитда ҳам ўз юртининг тупроғини кўзга тўтиб қилиб, қаҳажакка ишонч билан қараётган қорақалпоқ эли ҳақида гапиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан» деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

итида Оролбўйи аҳолисига ижтимоий ҳамкорлик дастури янги иш ўринлари яратиш ва одамларнинг бандлигини яхшилашга хизмат қилади. Ўтган йиллар давомида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратил-

МУВОЗАНАТ САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ

Ҳақиқатан ҳам Қорақалпоғистон диёрида рўй бераётган янгиланишлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамлар турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришлар шу замонда яшаётган халқнинг машаққатли меҳнати ва ғайрат-шижоати самарасидир. Мустақиллик йилларида Оролбўйи шаҳар ва қишлоқлари, овуллари янада чиroy очди. Республика ишлаб чиқариши юксалишининг ойдин йўлига ўтиб олди.

сиқлик мувозанатининг бузилишига олиб келади.

Халқаро Оролни кутқариш жамғармаси кўмагида денгиз бўсағасидаги кўллари қайта тиклашдек хайрли ишга қўл урилган эди. Ана шу лойиҳага кўра Судочье кўлида 36 километрлик, Мўйноқ кўлигида 8,4 километрлик, Дарёборлик сув омборида 1,8 километрлик дамбалар, «Балиқчи», «Оқум», «Мўйноқ» сув ўтказгичлари - ўндан ортик иншоот фойдаланишга топширилди. Умумий сатҳи 200 миң гектарга етadиган Судочье кўли, Қоражар кўллари тизими, Ажибой кўлиги, Туморли, Сариқкўл, Зокиркўл, Жилтирбос, Сарибос, Думалок, Мўйноқ ва бошқа сув ҳавзаларида 2,5 миллиард куб метрдан кўпроқ об-ҳаёт жамғарилди.

ган умумий миқдори 2227,4 миллион сўмлик 2807 та лойиҳа ҳаёта татиб қилинди. 4378 та янги иш ўринлари яратилди. 5060,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки пуллик хизмат кўрсатилди. Дастур бўйича қисқа муддатда 1164,5 миллион сўмлик иш бажарилди.

Бултур 333,87 миллион сўмлик 376 та лойиҳа қўлланилиб, 1 миллиард 319 миллион сўм даромад олинди. Унинг 178 миллион сўми соф фойдадир.

«Амударё ҳавзаси ва денгиз қирғоқлари атрофида қишқир сув тўплаш ҳавзалари ташкил этиш дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 14 майда тасдиқланган эди. Бунинг натижа-сида сув тақчиллигини бартараф этиш чоралари қилинди. Секундига 360 кубометр оби-ҳаёт ўтказадиган дарё қирғоғи сув омбори, 6 та сув чиқариш иншооти барпо этилганлиги Мўйноқ тумани инфратузилмасини ривожлантиришга самарали тасвир кўрсатди. Бундан ташқари, 8 та сув тўплаш, 28 та кудуқлар ва 5 та ҳарил турдаги ирригация иншоотларини таъмирлашга 69349,1 миң сўм маблағ сарфланди. Қораўзақ, Бўзатов, Тахтақўпир, Чимбой, Қонлиқўл, Хўжайли, Нукус, Тўрткўл, Эллиқалъа ва Бөрүний туманларининг чўл минтақасида истиқомат қилаётган 56241 нафар аҳолига сифатли ичимлик суви етказиш бериш имконияти яратилди. Тахтақўпир туманида 35 ўринли даволаш профилактика маркази қурилишига 93 миллион, Қораўзақда 60 ўринли туғруқхонаси бунёд этишга 100 миллион сўм ажратилди.

Бултур Орол сувларидан бўшаган, қақраган ерда пайдо бўлаётган чанг-тўзонларни тўхтатувчи маҳаллий ўсимликлар экиш бўйича тендер эълон қилинган эди. Танловда Тахтақўпир, Қораўзақ, Чимбой ўрмон ҳўжалиқлари улкан кўприк, Кўнгирот автомобил йўли катта стратегик иншоотлар сирасига кирадди.

Аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш соҳасидаги ишлар одамлар фаровонлигини оширишга қаратилган. Кейинги йилларда фойдаланишга топширилган 243 километр узунликдаги Туямўйин-Нукус, 112 километрлик Нукус - Тахтақўпир сув узатиш тармоқлари халқ саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугунги кунда Чимбой ва Тахтақўпир, Кўнгирот ва Қонлиқўл туманларининг олис қишлоқ ва овуллари, 400 га яқин аҳоли манзилларига ичимлик суви етиб борганлигини маънуният билан қайд қилиш мумкин.

Мана ўн йилдики, ҳўжалик саксовул экиш билан шуғулланади. Ўтган йили 4 миң гектарга уруғлик, 200 гектарга ниҳол орқали иҳота дараклари экилди. Лойиҳа бўйича 250 миллион сўмлик иш амалга оширилди.

Яқинда «Жилтирбос» кўлининг шимолий тўғонида сув тўловчи ва чиқарувчи иншоот ишга туширилди. «Оролжойбар» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари сирасида 30 кубометр сув ўтказиш қувватига эга мушташам иншоотни тўрт ой ичида қуриб битказдилар. Уни бунёд этишда Озод Бекмуродов, Рустам Бойжонов, Рауаз Сарибоев, Қозоқбой Бойниёзов каби қурувчиларнинг хизмати бекиёс.

Нукус шаҳрида «Орол тақдирини болалар нигоҳида» халқаро конференция ўтказилиши кўнгина муаммоларни хал этишга йўл очди. Марказий Осиё давлатлари ташаббуси билан болалар фондига қарийб 1 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бир неча халқаро тақчилотлар иштирокида «Орол денгизини ҳавзасида сув захираларини ва атроф-муҳитини бошқариш» лойиҳасининг тайёрланиши экологик муаммолар ечимини топишда катта аҳамиятга эга. Лойиҳа ҳавзасидаги дарёлар сувларини қишлоқ ҳўжалиғи зарурати учун ортиқча фойдаланишдан, тупроқ ва сув шурланишининг олдини олиш, ижтимоий-иқтисодий экологик офатини бартараф этиш, об-ҳаёт захираларидан фойдаланишни бошқаришда муҳим ўрнини эгаллайди.

Экологик муаммоларнинг олдини олиш, табиий мувозанатни сақлаб қолиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўпайтириш, кўл ва кўлтиқларда сувни бир меъёрга ушлаб туришга қаратилган тадбирлар амалга ошириляпти.

Халқаро Оролни кутқариш жамғармаси ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда «Аҳолига шойилин ёрдам» дастури ишлаб чиқилган бўлиб, лойиҳа киймати 536,2 миң АҚШ долларини ташкил этади. Жаҳон банки томонидан молиялаштирилган дастурга асосан Оролбўйи аҳолисига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиляпти. Қисқа вақтда балиқчилик ҳўжалиқлари учун 3 миңтага усуканлар, 14 та «Тез ёрдам» санитар машинаси, 4 та «Дамас» автомобили, Хўжайлидаги болалар «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари учун дарслиқлар олинди, Бўзатов ва Мўйноқ туманларида яшовчи 2 миңдан ортик кам даромадли оилаларга кийим-кечаклар, чорва моллари сотиб олиб берилди, болалар боғчалари тарбияланувчиларининг бир йиллик аъзолик бадаллари тўланди. Вазирлар Кенгаши билан биргаликда ишлаб чиқилган «Бозор иқтисодиёти шаро-

итида Оролбўйи аҳолисига ижтимоий ҳамкорлик дастури янги иш ўринлари яратиш ва одамларнинг бандлигини яхшилашга хизмат қилади. Ўтган йиллар давомида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратил-

итида Оролбўйи аҳолисига ижтимоий ҳамкорлик дастури янги иш ўринлари яратиш ва одамларнинг бандлигини яхшилашга хизмат қилади. Ўтган йиллар давомида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратил-

Масала кўндаланг қўйилади

Талабаларнинг «Универсиада - 2004» мусобақалари дастурига киритилган футбол матчларининг айримларини туманлардаги ўйингоҳларда ўтказиш мўлжалланган. Бунинг учун вилотнинг Булунгур ва Жомбой туманлари марказларидаги стадионлар танланган. Бунда эзгу мақсад мужассам. Биринчидан, катта спорт байрамини қишлоққа яқинлаштириш ва кенгрок тарғиб қилиш. Иккинчидан, бу спортни оммалаштиришнинг самарали воситасидир. Спортерса, шу баҳонада қишлоқдаги стадион юкори талаб даражасида жиҳозланади.

ташланмайди. Томошабинларга аталган ўриндиқлар бетон плиталардан иборат. Уларга ёғоч қопламалар ўрнатилиши хали ўлда-жўлда. Девоир ва панжараларнинг ранги ўчиб кетган.

Энг асосийси ўйин майдонининг анчагина қисмида чим қатлами кўчган, кўпорилган. Бундай жойлар кум билан тўлдириб қўйилган. Холбуки, айна паллада биринчи галда чим ётқизиляпти, илдиз отишига эришилиши жуда зарур. Шу билан бирга хозир қўқаламзорлаштириш палласи. Дарахт ва гул қўчатларини экиш муддати ўтказиб юборилмагани маъкул.

Ушбуларни ёзишдан мақсад бировини айбаш эмас. Уйингоҳни «Универсиада»га тайёргарлик бори-сида Жомбой туман ҳокимлигининг режа-тадбирлари билан сиртдан бўлса-да, танишдиқ ва қоникчи хосил қилдик. Уни амалга оширишда амалий ишлардаги сустаклиқ бартараф қилинган тақдирдагина ҳаммаси жойида бўлады.

С.РУСТАМОВ

РЕЖА ДУРУСТ, ИШЛАР СУСТ

Жомбой тумани марказидаги футбол ўйингоҳини ёмон деб бўлмайди. Уйин майдонининг ўлчамлари, ёрдамчи иншоотлар талабга жавоб беради. Лекин кейинги йилларда бу ер анчайин қаровсиз қолиб кетган. Зеро, уни «Универсиада» мусобақаларини ўтказишга тайёргарлик учун катта ҳажмдаги ишлар бажарилиши керак. Бу вазира туман ҳокимлигига юклатилган. Тайёргарлик режалари, ишларнинг бориши билан танишиш ниятида Жомбойда

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги «Универсиада-2004» мусобақаларини ўтказиш ва унга тайёргарлик ишларини мувофиқлаштириш

маркази республикамиздан ушбу улкан тадбирни янада яхширок ташкил қилиш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар билдиришларини сўрайди.

Биласизми?

БАСКЕТБОЛ ТАРИХИ

Хозирги вақтда энг омавий ва ҳаммабол спорт ўйинларидан бири баскетбол бўлиб қолган. Бутун дунёда унинг илхос-мандлари кўп. Бошқа спорт турлари сингари баскетбол ҳам шуғулланувчиларни жисмонан чиниктириб, ишқибозларга чексиз завқ бағишлайди.

Баскетбол қондаларини 1891 йилда АҚШнинг Массачусетт штатидаги коллежлардан бирининг ўқувчиси Жеймс Нейсматларини экиш муддати ўтказиб чиққан. Харақат-чанликни талаб қиладиган қизикарили бу ўйин тезда оммалашиб кетди. 1904 йилда АҚШнинг Сент-Луис шаҳрида ўтказилган III олимпия ўйинларида илк бор кўргазмалли баскетбол намойиш этилди.

Шундан сўнг баскетболнинг дунё миқёсида расман тарқалишига йўл очилди. 1932 йилда баскетбол ҳаваскорларининг халқаро федерацияси (ФИБА) ташкил бўлди. Халқаро олимпия қўмитаси 1934 йилда баскетболни олимпияда дастурига киритди. Берлинда ўтган олимпия ўйинларида биринчи марта баскетбол (эркаклар) ўйналди. Баскетбол бўйича 1935 йилдан Европа, 1950 йилдан дунё жаҳон чемпионатлари ўтказилиб келинмоқда.

Комила УМИРОВА

ISHONCH BO SH MUHARRIR MIRGIYS KAYUMOV MUASSIS: UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIIYSI

TAHRIR HAYATI: ERKIN VOXIDOV, SAYERA RASHIDOVA, JORJA ALIMHUXAJEVA, MAMYURA ODILOVA, MAHMUDJON RASULOV, ELBER EKUBOV, ZAYNIDDIN RIXSHEV (BO SH MUHARRIR BIRINCHI URINBOSARI), VIKTOR ZVEREV (BO SH MUHARRIR URINBOSARI «ISHONCH-DOVERIYE»), MIRZOXID SODIKOV, SHAMSIDDIN ZSONBOEV, KUDRATILLA RAFIQOV, MIRFOZIL OLIMOV. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

TELEFONLAR: KOTIBIYAT 56-52-78; HATLAR BUUMI 56-85-43; REKLAMA VA ZYONLAR BUUMI (3712) 56-85-79. GAZETA 1991 YIL 21 MARTDAN CHIQA BO SHLAGAN. BOSISHGA TOPSHIRISH VAQTI - 21.00 TOPSHIRILDI -

MANZILI: 700165, TO SHKENT SHAHR, «BUKHORO» KUCHI, 24-UY. NAIR KURSATKICHI: 133; 134. UZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 035-RAQAM BILAN RUYXATGA OLINGAN. IBM KOMPYUTERIDA TERILDI VA SAHIFALANDI. OFSET USULIDA BOSILDI. BICHIMI A-2. HAJMI 2 BOSMA TABOQ. SOTUVDA ERKIN NARXDA. «SHARK» NAHSHIRAT-MATBAA AKTSIYADORLIK KOMPANIYSI BOSMAKONASIDA CHOP ETILDI. KORXONA MANZILI: «BUOQ TURON» KUCHI, 41-UY. TIRAJI: 20242. BUOQRTMA G-417. 1 2 3 4 5 6